



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI FARMOYISHI**

2022 - yil 20 - yanvar

16-3-0-F/22

Jizzax viloyati hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 августдаги “Жиззах шахрида Қозон Федерал университети филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-5237-сонли қарори ҳамда Қозон Федерал университети Жиззах филиалининг 2022 йил 8 январдаги 01-001-001-сонли хатини инобатга олиб, Қозон Федерал университети Жиззах филиали биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан:**

1. Жиззах шахридаги Қозон Федерал университети Жиззах филиали биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмачи этиб белгилансин.

2. “Ягона буюртмачи хизмати” ИК (Х.Хасанов)га:

Жиззах шахрида Қозон Федерал университети филиалининг қурилиш-монтаж ишлари бўйича лойиҳачи ва пудрат ташкилотларини амалдаги қонунчилик талаблари асосида аниқлаш;

Лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш ишларини амалдаги “Қурилиш-меъёр қоидалари” асосида ва ўз муддатида фойдаланишга топшириш вазифалари юклансин.

3. Давлат молиявий назорати вилоят бошқармаси (И.Собиров) Қозон Федерал университети Жиззах филиали биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатсин.

4. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Б.Назаров ва А.Дархонов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев